2007 YIL 5 IYUN, SESHANBA 69 (7218) - сон

# Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

Oʻzbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

kishlokhayoti@mail.ru

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

**Ички бозорни юртимизда ишлаб чиқарилган арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш иқтисодий соҳалардаги ютуқларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.**



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Пойабзалчи" очиқ ҳиссадорлик жамияти аъзолари шу эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилишяпти. 100 дан зиёд ишчилар меҳнат қилаётган мазкур корхонада чармдан тикилган бежирим пойабзаллар юртимизнинг нвфақат шаҳарлари, балки қишлоқларига ҳам етиб бормоқда. Шунингдек, бу ерда турли ташкилотлар буюртмасига асосан маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

СУРАТДА: тикувчи Нафиса Йўлдошева.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# Дунё полвонлари Тошкентда беллашмоқда

**Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида самбо юлдузлари ўртасида жаҳон чемпионати ҳамда эркаклар ва хотин-қизлар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати беллашувлари қизғин давом этмоқда.**

***Унда Россия, АҚШ, Германия, Сингапур, Камерун, Ливан, Мўғулистон, Ҳиндистон, Покистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон каби давлатлардан келган 500 нафардан зиёд спортчи иштирок этмоқда.***

Кескин ва муросасиз ўтган Осиё чемпионати мусобақаларида юртимиз самбочилари совринли ўринларни эгаллади. Катталар ўртасида А.Қурбонов, Ш.Муродов, Д.Мухидов ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, Ш.Жўраев, Л.Тошалиев, А.Тулендибоевга кумуш медаль насиб қилган бўлса, Т.Нурматов, В.Стороженко ва И.Сагиров бронза медалга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар ўртасида вакилаларимиздан Н.Давлатова ва Т.Каримова Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. У.Қосимова, Г.Маманова, Р.Алибекова кумуш, З.Умирова ва К.Қаюмова бронза медалга лойиқ топилди.

Ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда гиламга чиққан С.Азимов, У.Ражапов, Т.Шокиржонов, М.Эрматов ўз вазнида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. О.Пардаев ва Р.Тўрақулов кумуш, А.Мақсудов бронза медаль билан тақдирланди.

Қизларимиздан Е.Близнецова, Д.Ибрагимова ва С.Эшмуродова ўз вазнида барча рақибалари устидан зафар қучган бўлса, М.Бўстонова кумуш медалга сазовор бўлди. М.Кримшакова, Г.Хайдарова ва Ш.Турсуновага бронза медаль топширилди.

**Қ.ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТДА: мусобақадан лавҳа.**

**М.АМИН (ЎзА) олган сурат.**



## Куннинг муҳим воқеалари

- Мамлакатимизнинг 10 миллиондан ортиқ аҳолиси ўтган шанба куни умумреспублика экология ҳашарида иштирок этди.
- Германияда фахрийлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган халқаро турнирда 35 ёшдан 45 ёшгача бўлган футболчилардан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси бош соврин соҳиби бўлди.
- Навоий вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 830 тоннадан ортиқ сифатли хом ашё топшириб, шартнома мажбуриятини бажарди.
- Самарқанд давлат университетида чаканда ўсимлигини етиштириш ва ундан кенг фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий семинар бўлди.
- Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази ташаббуси билан "2007 йилнинг энг яхши мактаб психологи" кўрик-танлови ўтказилди.
- Навоий шаҳрида "Бахтли болалик" спорт фестивали бўлиб ўтди.
- "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг "Yangi avlod forumi" болалар ижодиёти марказида хайрия тадбири бўлди.
- Фарғона вилоятида "Ҳар бир фарзандга меҳр–эътибор" ҳафталиги ўтказилди.
- Навоий шаҳрида "Мафтункор ранглар дунёси" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.
- Термиз шаҳрида жисмоний имконияти чекланган иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган "Мафтункор ранглар дунёси" кўрик-танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди.

*Юрт ифтихорлари*

# Ўзбек футболининг фидойиси

***Пойтахтимиздаги "Марказий ҳарбий спорт клуби" стадионида 2 июнь куни "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси", Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоаларининг катта мураббийси Миржалол Қосимовнинг катта футбол билан хайрлашув кечаси бўлиб ўтди.***




Ўнлаб хорижий мамлакатлардан спорт делегациялари, таниқли спортчилар, минглаб футбол мухлислари, мутахассислар, устозлар, ёш спортчилар, санъат усталари иштирок этган тадбирни Ўзбекистон футбол федерацияси президенти М.Усмонов очди. Тадбирда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантириш, етук спортчиларни тарбиялаш ва вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Кўрсатилаётган ана шундай доимий эътибор ва ғамхўрликнинг самараси ўлароқ мамлакатимиздан кўплаб жаҳон, олимпия, қитъа чемпионлари, бошқа халқаро турнирларнинг ғолиблари етишиб чиқмоқда. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, бокс бўйича жаҳон ва Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, профессионал бокснинг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазндаги жаҳон чемпиони Руслан Чагаев, теннис бўйича қизлар ва ўсмирлар ўртасида машҳур Уимблдон турнири ғолибаси Ирода Тўлаганова, юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Орипов каби спортчиларимиз шулар жумласидандир.

М.Қосимов ўзбекистонлик чарм тўп усталари ўртасида нуфузли совринларни энг кўп қўлга киритган футболчилардандир. У ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони, катталар ўртасида Осиё ўйинлари, Ўзбекистон ва Россия чемпиони, Ўзбекистон кубоги соҳибидир. Бундан ташқари, миллий чемпионатимиз ва кўплаб халқаро мусобақаларда "Йилнинг энг яхши футболчиси", "Энг яхши ўйинчи", "Энг яхши тўпурар" каби номинациялар бўйича жуда кўп бор ғолиб, деб топилган.

...Қўшоқ ака ўғлини Республика олий спорт маҳорати мактабига етаклаб келганида Миржалол ўн ёшда эди. Отаси уни болалар футболи мураббийси Юрий Господарчукга топширди. Ҳар бир футболсевар болакай каби "Пахтакор"-да ўйнашни орзу қилган Миржалол йиллар давомида ўз маҳоратини ошира борди. 17 ёшида "Пахтакор" жамоасига қабул қилинди.

Шундан буён йигирма йил ўтди. Бу давр мобайнида Миржалол ўзбек футболининг энг ёрқин юлдузларидан бирига айланди. 1992-2005 йиллари у Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида энг кўп - 67 учрашув ўтказиб, рақиблар дарвозасига 30 та гол урган ҳақиқий сардордир. Бу икки кўрсаткич ўзбек футболи учун рекорд натижадир.

М.Қосимов фаолияти давомида ўзининг севимли жамоаси - "Пахтакор"дан ташқари, Россиянинг "Алания" /Владикавказ/, "Крилья Советов" /Самара/, Беларуснинг "Динамо" /Минск/, Бирлашган Араб Амирликларининг "Аш-Шабаб" /Дубай/ каби таниқли клубларида тўп сурди.

- Мен Миржалол Қосимов билан бир жамоада ишлаганимдан фахрланаман, - дейди россиялик машҳур футбол мураббийси Валерий Газзаев. - "Алания"нинг 1995 йили Россия чемпионлигини қўлга киритишида Миржалолнинг хизматлари беқиёс бўлганлигини барча яхши билади.

- Биз, футболчилар, Миржалол Қосимовни жамоанинг юраги, етакчиси, деб биламиз, - дейди Россия терма жамоаси ўйинчиси Андрей Каряка.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қўшган улкан ҳиссаси ва жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилгани учун М.Қосимов Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов яқинда имзо чеккан Фармонга биноан Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Қосимов "Меҳнат шуҳрати" орденини билан тақдирланди.

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, футболни тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ва кўп йиллик самарали фаолияти учун Фарғонанинг "Нефтчи" футбол жамоаси бош устози Юрий Саркисян ҳам "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотларини уларга тантанали равишда топширди.

(Давоми 4-саҳифада)

# Уста Абдусалом яратаётган ғаройиб сув насоси

## Бу қурилма тоғлик деҳқонларнинг қизиқишига сабаб бўлаяпти

***Ўтган йилнинг куз ойларида Нурота тизма тоғининг ён атрофидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли ўртасида андагенлик уста Абдусалом Ҳакимов электр қуввати ва ёнилғисиз ишлайдиган сув насоси тайёрлабди, деган гап-сўзлар тарқалганди.***

Қизиқувчилар насосни бориб кўриб, устанинг маҳоратига тан беришди. Уни мўъжизанинг ўзгинаси, дейишди. Сабаби, 3-4 метр баландликдан тушаётган сув оддий қурилма орқали чамаси 40 метрлар баландликка кўтарилаётган эди. Буни кўриб, "Менга ҳам насос ясаб бер", деювчилар кўпайди. Уларнинг таклифига асосан уста Фориш туманининг Юқори Ухум, Андаген ва Ёнбулоқ ҳамда Нурота туманининг Синтоп қишлоқлари аҳолисига бир неча гидронасослар тайёрлаб берди.

Шу ўринда "уста Абдусалом Ҳакимов бу "мўъжиза"га қандай қилиб эришди экан?" деган савол туғилиши табиий.

"Нурота — Қизилқум биосфера резерватини яратиш" лойиҳасига биноан, Нурота тизма тоғ ёнбағирларида жойлашган қишлоқлар сув муаммосини ҳал қилиш мақсадида сув кучи ҳисобига ишлайдиган гидравлик механик насос лойиҳаси асосида Фориш туманининг Ухум қишлоғида гидронасос ишга туширилган эди. Натижада, сойдан 80-90 метр баландликдаги ҳовлига ичимлик суви чиқди. Атрофдаги бута ва дарахтлар ҳам обиҳаётга қонди.

Буни эшитган қўшни Андаген қишлоғида яшовчи темирчи уста Абдусалом Ҳакимов қурилманинг тузилишини ўрган-

**ИХТИРО**

ди. Сўнг керакли жиҳозларни харид қилиб, ўз устахонасида ясай бошлади.

- Битта сув насосини тайёрлашга 10-12 кун вақт сарфлаяпман, - дейди уста Абдусалом. - Конструкцияси унчалик мураккаб эмас. Арзон ва содда технология. Катта бўлмаган сув оқимлари ва шаршараларда ҳам ишлатиш мумкин. Сув қанча баландликдан тушса, шунча юқорига обиҳаёт чиқарилади. 24 соатда 6000 литрдан 10000 литргача сув тепаликка кўтарилади.

- Уста ясаётган сув насосининг таърифини эшитиб Андагенга бордим, - дейди яккабоғлик отахон Б.Алимов. - Адирда 3-4 гектар боғ яратганман. Электр токи у ердан анча олисда. Ёз ойларида сув етмай қолади. Сойда эса обиҳаёт кўп. Шарқираб оқиб ётибди. Шу ерга гидравлик механик насос ўрнатсам, боғим яшнаб, мева-чева мўл бўлади. Абдусалом Ҳакимовнинг омилкорлиги ҳақида эшитиб, йўл олис бўлса ҳам бориб, иккита сув насосига буюртма бердим.

Демак, Абдусалом Ҳакимов тайёрлаётган ғаройиб қурилма тоғли қишлоқлар аҳолиси учун айни муддаодир.

**Абдулла МАМАСОДИҚОВ**

# "Меҳригиё"нинг минг бир дардга даво гиёҳлари

## Ибн Сино ўгитларига амал қилганлар янглишмайди

***Дастлабки тасаввур гоҳо одамни чалғитади, биринчи мулоқот баъзан қовушмайди ҳам. Гап қовушмаганидан кейин, муносабат ҳам шунга яраша бўлади. Аммо тадбиркор Алижон Абдураззоқов билан танишувимиз менда ёниқ таассурот қолдирди, бир фикри эса кўнгил тубида ҳамиша бўладиган баъзи иштибоҳларимни бутунлай ёзиб юборди. Одатда, кўпчилигимиз бирор бир ишнинг уддасидан чиқиб, маълум муваффақиятга эришган бўлсак, ҳаммасини ўзимиз билан боғлаймиз. Мен бошладим, мен ташаббус кўрсатдим, бир ўзим югурдим-елдим, кирмаган эшигим, бош суқмаган идорам қолмади, деймиз-да, ўзимизни мақтаб кетамиз. Бу иш билан мендан олдингилар ҳам шуғулланишган, уларнинг ҳам озми-кўпми меҳнати сингган, демаймиз. Бу энди, давоси анча мушкул бўлган касаллик.***

Учкўприк туманидаги Ўроз-мерган қишлоғида ўн беш йилдан бери гиёҳлардан дори-дармон тайёрлаш билан шуғулланиб келаётган, бу борада жиддий ютуқларни қўлга киритиб, мамлакатимиз тадбиркорлари ўртасида Президент соврини учун ўтказиб келинаётган "Ташаббус" республика танловида икки марта иккинчи ўринни эгаллаган, илмий изланишлари йўлида Давлат грантига сазовор бўлган "Меҳригиё" кичик корхонаси раҳбари, доришунос Алижон Абдураззоқов эса аксинча, гапни устозга ҳурматдан бошлади:

— Бу ишни, билсангиз, устозимиз, марҳум Юсуфбек Ёқубов бошлаган эдилар. У киши умрининг кўп вақтини қовун, пиёз, седана, анор уруғидан, шафтоли, ўрик данагидан инсон саломатлиги учун бениҳоя зарур бўлган шифобахш ёғ ишлаб чиқаришга, бу муҳим ташаббусни мамлакат миқёсида йўлга қўйишга сарфлади. Балки, хабарингиз бордир, Юсуфбек аканинг муваффақиятлари тўғрисида матбуотда кўплаб мақолалар ёзилган, шеърий достонлар битилган

**ЎЗИГА ХОС ОДАМЛАР**

эди. Биз бугун шу муҳим ишни давом эттирмоқдамиз...

Хабаримиз бор. Юсуфбек ака бир гапни кўп такрорлар эди – дард бор экан, даво ҳам мавжуд. Уни узоқдан эмас, ҳар бир киши ўзи яшаб турган жойидан излаши керак. Алижон Абдураззоқов ҳам шу фикрда: хорижда тайёрланган дори-дармонлар, бир қарашда, яхши самара бериши мумкин. Аммо улар кўпроқ сунъий хом ашёдан тайёрланади. Иссиқнинг совуғи, кечанинг кундузи, ёмоннинг яхшиси бўлганидек, табиатда инсонга ризқ-насиба, егулик-ичкилик бўладиган нарсалар қаторида унинг дардини оладиган, турли хасталикларнинг йўлини тўсадиганлари ҳам бор. Бунда муҳими шундаки, мен қаерда яшаётган бўлсам, ўша жойнинг суви, ҳавоси, гиёҳи, ўт-ўлани менинг дардимга кўпроқ мос келади. Бу фикр Шарқнинг улуғ табиби Абу Али ибн Сино асарларида кўп бор эътироф этилган. Шу боис, асосий эътиборни жаннатмонанд Ватанимиз табиатида мавжуд гиёҳлардан дори-дармон тайёрлашга қаратганмиз...

Алижон ёшлигида шарқшунос бўлишни орзулаган. Шу маънода Чарxий домлага шогирдлик ҳам қилган. Доришунос отаси ёнида кўп бўладиган Алижоннинг кўнглида кейинчалик ота касбига меҳр уйғонди. Табобат борасидаги китобларни кўп ўқиди. Мана, ҳозир ҳам иш столи устида Гиппократ ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланиб, 1936 йили нашр этилган китоб турибди. Унда кўпчилигимиз кўп бор эшитган, аммо камдан-кам киши бевосита танишиб чиққан врач қасамёди бор. Гиппократ давони таомдан излаш лозимлигини таъкидлаган.

Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига биғишлаб чиқарилган беш томлик ноёб нашрни Алижон деярли ёд билади. Экин майдонларида зарпечак-чирмовуқни кўрсак, ҳаммаёқни босиб кетмасин деб, дарҳол юлиб ташлаймиз. Шундай қилмаса бўлмайди, чунки у дуч келган ўсимликни ёқасидан олиб, илондек бўғади, баданига ёпишади ва қуритади. Ибн Сино ҳазратлари бўлса, зарпечак ҳақида шундай ёзган эканлар: "Кашус (зарпечак, чирмовуқ). Бу тикан ва дарахтларга ўраладиган (ўт) бўлиб, макка сочиққа ўхшашдир, барги йўқ, майда оқ гулли, аччиқ ва мози мазали, лекин аччиқлик жавҳари кўпроқдир... Тозаловчи, суюқ чиқиндиларни томирлардан чиқарувчидир... Томирларни тозалайди, улардаги ортиқча нарсаларни чиқаради. Меъдани кучайтиради, айниқса, қовурилгани шундай. Сирка билан ичилса, ҳиқичоқни тўхтатади, жигар ва меъда тўқималарини очади. Суви сариқ (касаллик) учун ажойиб (даводир)... У томирларни тозалаши сабабли, бачадондаги боланинг қорнидаги чиқиндиларни тозалайди ва ҳайз қонини юриштиради. Ичакларнинг бураб оғришида ҳам фойда қилади..."

(Давоми 3-саҳифада)

**Ҳозирги кунда дунё олимлари-ю мутахассисларини ўйлантираётган ва ташвишга солаётган масалалардан бири – бу ер юзида экологик вазиятнинг кескин ўзгариб бораётгани, бунинг ортидан эса инсоният тақдири-ю турмуш тарзига жиддий хавфлар туғдирувчи янгидан-янги муаммоларнинг пайдо бўлаётганлигидир. Шу боисдан мутахассислар барчани бу хусусда огоҳлантирмоқда. Инсониятни атроф-муҳитга эътиборли бўлишга, мавжуд табиий шароитни асрашга ундаб келмоқда. Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни худди шундай саъй-ҳаракатлар маҳсули сифатида эътироф этилади. Бизга бу хусусда "Экосан" халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон ШОДИМЕТОВ қуйидагиларни гапириб берди.**

*Бугун — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни*

# Эриётган муз – йилнинг мавзуси

- Дарҳақиқат, атроф-муҳит тозалиги, экология, табиат мусаффолиги ва саломатлик мавзуси айни пайтда жаҳон оммасининг эътиборини жалб қилиб келаётган энг долзарб ва ечимини кутаётган муаммолардан саналади. 1972 йилнинг 5-6 июн кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Стокгольмда бўлиб ўтган атроф-муҳитга бағишланган конференциясида жамоатчилик назари табиат муаммоларига қаратилди ва шундан буён бу кунда йиллик ҳолатга баҳо берилади. Бутунжаҳон атроф-муҳит кунининг жорий йилги мавзуси "Эриётган муз - долзарб мавзуми?" деб номланади. Бу бежиз эмас. Негаки, сўнгги ўн йилликлар давомида ҳавонинг ўртача ҳарорати 0,4-0,6 даражага ортган. Бунинг таъсирида абадий музликлар эриб океан сатҳи 10-25 сантиметрга кўтарилган. Бошқа ҳудудларда эса қурғоқчилик ва саҳроланиш жараёни кучайган.

Бундан ташқари, 2002 йилда Жанубий Африканинг Йоханнесбург шаҳрида ташкиллаштирилган жаҳон саммитида ҳам 191 мамлакат вакиллари сув таъминоти, канализация, энергетика, соғликни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, биохилмахиллик, экотизимни бошқариш каби ўнлаб масалаларни кўриб чиқдилар.

*- Ўзбекистонда мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилмоқда? Бу борада сиз раҳбарлик қилаётган ташкилот томонидан нималар қилинмоқда?*

-Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлактимизда бундай масалаларга жуда катта аҳамият қаратилган. Яъни ҳукуматимиз томонидан табиий бойликларимизни ҳимоя қилишга, экологияга, умуман, юртимиз аҳолиси саломатлигини яхшилашга дахлдор қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда уларнинг ижроси натижасида талайгина ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Лекин шу билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Республикамизда иқлимнинг глобал ва минтақавий ўзгариши оқибатида 2030 йилга бориб, шимолий ҳудудларда ҳарорат 2-3 даражагача кўтарилиши, намликнинг камлиги ва юқори ҳарорат қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликка салбий таъсир ўтказиши ҳам мумкин. Бунинг учун эса, аввало, аҳоли ўртасида жамоат ташкилотларининг имкониятларидан келиб чиқиб тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ноанъанавий энергия (сув, қуёш, шамол, биогаз) манбаларини ўзлаштириш, транспорт воситаларида ёқилғини тежамкорлик билан ишлатиш каби масалаларни жорий қилиш лозим. Чунки, атроф-муҳитни ифлослантириш, табиий бойликлардан нооқилона фойдаланиш, кўп ҳолларда кенг жамоатчилик беэътиборлигидан пайдо бўлади.



Республика Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш, санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида "Экосан" халқаро ташкилоти ўн йилдан бери уч босқичли "Экология ва саломатлик" кунларини ўтказиб келаётир. Мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йилни "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиши эса ушбу анъанага айланган ишимизнинг аҳамиятини янада оширди. Шу муносабат билан биз республикамизда ижтимоий йўналтирилган хайрия акциялари, экологик ҳашарлар, экофестиваллар ва экологик таълим-тарбия бўйича кенг қамровли тадбирлар уюштириб келмоқдамиз. Бундай юмушлардан асосий мақсад халқимизнинг табиатга эҳтиётлик билан муносабатда бўлишдек қадрли анъанасини тиклашдир.

"Экосан"нинг иш бошлаганига ўн беш йил тўлди. Ташкилотимиз дастлабки кунларданоқ ўз олдига муҳим ижтимоий экологик муаммоларни ҳар тарафлама ўрганиш, илмий концепция ишлаб чиқиш, экологик йўналишда жамоатчилик фикрини, онг ва тафаккурни шакллантириш, гуманитар ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар билан алоқалар ўрнатиш, экологик жиҳатдан носоз бўлган минтақалар, энг аввало, Оролбўйи минтақаси аҳолисига тиббий маслаҳатлар, даволаш-профилактик ҳамда инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиш сингари ўнлаб масалаларни қўйган эди.

Албатта, бундай мақсадли ишлар самарасини ҳам бермасдан қолмади. Кенг жамоатчиликнинг имкониятларини атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш жараёнларига жалб қилиш ҳаракатлари мунтазам олиб борилди.

Шу йиллар давомида жойларга 150 дан ортиқ саломатлик поездлари ва автопоездларида 10 миллиард сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Бундай тадбирлар жорий йилда ҳам давом эттириб келинмоқда. Шулардан бири сифатида бу йилги "Экология ва саломатлик" кунларининг иккинчи босқичида Президентимизнинг "Ўзбекистон республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар доирасида бирнечта ишларни режалаштирганмиз.

Қисқа қилиб айтганда, муаммолар ечимини топиш ва уларнинг олдини олиш аҳолининг экологик маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Олиб борилаётган тадбирлар, бу борадаги бажарилаётган ишлар эса худди шундай тушунчаларни юзага чиқариш учун қилинаётган ҳаракатлардир. Зеро, атроф-муҳит мусаффолиги, экологик барқарорлик халқ фаровонлиги пойдеворидир.

**Суҳбатдош: Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

*Маданият хабарлари*

## Фарғона театри пойтахтда

**Вилоят театрларининг пойтахтимизда ижодий сафарларда бўлиши яхши анъанага айланиб келмоқда.**

Яқинда Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли Фарғона вилоят мусиқали драма театри ижодий жамоаси пойтахтлик мухлисларини хушнуд қилишди. У.Азимнинг "Бахт қуши", Х.Хурсандовнинг "Кампир топайми, дадажон" ва бошқа спектакллар намойишини томошабинлар илиқ кутиб олишди.

## Ижодкор ёшлар фестивали

**Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида ҳар ўқув йили якунида ўтказиладиган институт талаба ёшларининг анъанавий VIII кўрик фестивали ўз ишини бошлади.**

Бир ҳафта давом этадиган мазкур фестивалда олийгоҳнинг ижодкор ёшлари томонидан саҳналаштирилган В.Шекспирнинг "Қирол Лир", А.Цагарелининг "Хонума хонум", И.Турсунованинг "Бир қанотлилар" ва бошқа кўплаб спектакллар томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

– Ушбу фестивал аввалгиларидан бирмунча фарқ қилади, – дейди биз билан суҳбатда ҳакамлар ҳайъати аъзоси институт проректори, таниқли театршунос олим Тешабой Баяндиев. – Бу гал талабаларимиз суратга олган бир қатор ҳужжатли фильмлар ва фотокўргазмалар ҳам фестивал дастуридан ўрин олган.

**Садоқат ИСМАНОВА**


ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Уруғлик картошка керакми? Марҳамат!



Ташкилот "AGRICO" компанияси (Голландия)да етиштирилган биринчи репродукция элита ҳамда суперэлита:

эскорт, дитта, эстима, романо, маркиз, кондор, марлен, маранка, марфона

ва бошқа навларга мансуб картошка уруғлигини нақд пулга ва маблағ ўтказиш орқали

**сотиб олишни таклиф этади.**

Картошка уруғлиги қуйидаги манзилдаги омбордан сотилади:

Тошкент вилояти Зангиота тумани Назарбек ҚФЙ Лойиҳачи кўчаси 7-уй (Мўлжал – Назарбек божхона пости).

Маълумот учун телефонлар: 162-43-99, 162-40-99, 700-03-77, 333-33-22






# Ўзбек футболининг фидойиси

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда "Европа ва Осиё футбол юлдузлари" терма жамоасининг беллашуви чиройли тўп узатишлар ва ажойиб голларга бой бўлди. Учрашувда М.Қосимов ўзининг катта футболдаги энг сўнгги голини киритди. Сўнг унинг ўғиллари Миркамол ва Миржамол майдонга тушди. М.Қосимов катта футбол билан хайрлашгани билан спортни тарк этгани йўқ.



- Ҳаётимда нимага эришган бўлсам, барчасини мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга берилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидан, деб биламан, - дейди Миржалол Қосимов. - Энди мен спорт майдонларида орттирган маҳоратим ва тажрибамни юртимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган ёш футболчиларни тарбиялашга қаратаман.

Тадбир санъаткорларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА махсус мухбири.**

# Қабристон ободлиги – қалб ободлиги

***Жалол Жумаевни ҳамқишлоқлари кўпинча йўлда учратишади. Жалол ака елкасида кетмон — Биёсин қабристони томон кетаётган бўлади. У қабристон ҳудудидаги экинларни парвариш қилади, кўчат ўтқазади, шу ердаги йўл-йўлакларни тозалайди.***

Таниш-билишлари "Жалол ака, ҳеч тиним билмайсиз-а", дея гапга тутишгудек бўлишса, "Обод қилган обод бўлади-да", дейди ишдан бош кўтармайди.

–Қишлоғимизда охиратини ўйлаб, савоб ишлар этагини тутаётган бундай олижаноб инсонлар кўп, – дейди Ғиждувон туманидаги Мазраган маҳалла фуқаролар йиғини котиби Эсон Одилов. – Орзу Равшанов, Муҳаммад Бўронов, Фармон Омонов, Ҳасан Қудратов сингари жонкуяр, фаол инсонлар саъй-ҳаракати туфайли ҳудудимиздаги иккита қабристон ҳам ободонлаштирилди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай хайрли ишни ҳам ташаббускор, савобталаб кишилар куч-ғайрати, ҳиммати билан охирига етказиш мумкин. Муҳими, мазраганликлар кўча ва йўл ёқаларини, қабристонларни обод этишга мавсумий иш сифатида қарашаётгани йўқ.

–Ҳудудимизда ҳаммаси бўлиб ўн учта қабристон бор, – дейди Ғовшун қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хумор Ҳамроева. – Барчасининг атрофи ўралган. Ҳашар йўли билан қабрлар атрофини тозалаш, йўл-йўлакларни тартибга келтириш бизда одатий ишга айланган. Бундай пайтда ҳомийлар ҳам топила қолади. Кимдир кўнглидан чиқариб ғишт, кимдир цемент олиб беради. Шундай ҳимматли, савобталаб кишиларимиз бор экан, қабристонларимиз ҳеч қачон каровсиз қолмайди.

Хумор опа ҳақ гапни айтди. Лекин тозалик, ободончилик ишларига ҳамма жойда ҳам бир хил муносабатда бўлинаяпти, дейиш қийин. Айрим қишлоқлардаги қабристонлар қамишу янтоқ босган кўйи турибди. Уларга элтадиган йўлнинг аҳволиникy айтмай қўя қолайлик. Яқинда Пешку туманида бўлиб ўтган йиғилишлардан бирида бу ҳақда куюнчаклик билан гапирилди. Бундай қаровсиз ҳолдаги мозорлар Бухоро, Когон

НИГОҲ

туманларида ҳам учрайди. Бу масалада жойлардаги айрим қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларида ташкилотчилик, жонкуярлик етишмаётгандек туюлади. Ҳолбуки, ўз ота-боболари мангу қўним топган манзилни тоза, озода, ораста бир гўшага айлантириш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи саналади. Қолаверса, Бухоро вилояти ҳокими томонидан қабул қилинган "2007 йилда туман ва шаҳарларни ободонлаштириш ҳамда аҳоли яшаш мавзеларида санитар-гигиеник шароитини яхшилаш дастури тўғрисида"ги қарорида худди шу масала ҳам назарда тутилган. Шундай экан, келинг, қабристонларимизга қараб қўяйлик, мангу масканимизни обод этайлик. Ўтганларимиз руҳи шод бўлсин. Токи "Сўнгги борар манзилингиз ободми?" деган саволга ҳожат қолмасин.

**Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Бухоро вилояти*

***Ўтган ҳафта якунида Россиянинг Екатеринбург шаҳрида "Пушка" промоутерлик компанияси томонидан ташкил этган профессионал бокс кечаси бўлиб ўтди.***

## Қувончбекнинг қувончи

Унинг асосий жангида ҳамюртимиз Қувончбек Тойғонбоев ўзининг биринчи ўрта вазндаги WBO Asia-Pacific чемпионлик камарини танзаниялик Хассан Матумлидан ҳимоя қилди. Баҳс 12 раунд давом этган бўлса-да, устунлик фақат ҳамюртимиз томонида бўлди. Шу боис ҳам ҳакамлар бир овоздан Қувончбекнинг ғалабасини эътироф этишди.

## Бир фунт-стерлинглик ҳужумчи

***– "Челси" "Милан"га Андрей Шевченкони қайтариб юборишга тайёр. Бунинг учун "россонерлар" ўз плеймейкерлари Какани Роман Абрамович жамоасига ўтишига розилик беришса, кифоя, – дея маълум қилган "Gazetta dello Sport".***

Бу талабни инглиз ва итальян клублари раҳбарлари учрашуви вақтида "Челси" ижрочи директори Питер Каньон илгари сурган. Агар миланликлар бу шартга кўнишмаса, "Челси" "Милан"дан сотиб олиш пайида юрган бразилиялик ҳимоячи Алексни "Стэмфорд Бридж"да олиб қолмоқчи. Бундан ташқари, Лондон клуби "Валенсия" ҳужумчиси Давид Вильяни ҳам ўзиники қилиб олиш пайида юрибди. Испаниялик футболчининг нархи 22 миллион фунт-стерлингга баҳоланган.

Айни пайтда эса "Челси" ўз таркибини уч футболчига бойитиб олишга яқин турибди. Улар "Бавария" билан шартномаси якунланган перулик ҳужумчи Клаудио Писсаро, "Рединг" форварди Стив Сидуэлл ва ПСВ "Эйндховен" ҳимоячиси Алексдир. Бу чарм тўп усталаридан Писсаро ва Сидуэлл "Челси"га текинга тушаётган бўлса, Алекс учун бор-йўғи 1 фунт-стерлинг тўланади.

## Султон - WBO „султони"



***Профессионал бокснинг WBO таснифи супероғир вазнида россиялик 32 ёшли чарм қўлқоп устаси Султон Ибрагимов чемпионлик камарини қўлга киритди.***

У мазкур унвонни амалдаги чемпион, АҚШлик боксчи Шеннон Бриггсдан тортиб олди. 12 раунд давом этган жангда ҳакамлар Султоннинг ҳаракатлари ва зарбалари аниқ бўлганлигини қайд этишиб, 109-109, 117-111 ҳамда 115-113 ҳисобларида ғалабани унга тортиқ этишди.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, супероғир вазнда барча нуфузли чемпионлик камарлари МДҲ давлатлари вакилларига ўтди. Улар Руслан Чагаев (WBA), Олег Маскаев (WBC), Владимир Кличко (IBF) ҳамда WBO янги чемпиони Султон Ибрагимовдир.

**Ф.АБИЛОВ**







Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази жамоаси Жиззах вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори Саъдулла Қаршибоевга падари бузруквори **САТТОР ОТА**нинг вафоти муносабати чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси етакчи илмий ходим Е.В.Ермоловага турмуш ўртоғи **ОЛЕГ СЕМЁНОВИЧ ШУМАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА жамоаси Термиз шаҳар ҳокими Э.Амоновга волидаси **ТУРДИХОЛ ҲОЖИ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати жамоаси Ғаллачиликни ривожлантириш бошқармаси Уруғчилик бўлими бошлиғи Ҳайдар Маҳмудовга волидаи муҳтарамаси **ЎҒИЛОЙ ОНА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87, Қабулхона -136-58-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. (т) -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Буюртма Г-517 , ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.45 Босишга топширилди: 22.30 Адади - 17910

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

23456